

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИСАҚОВ АБРОР ФАХРИДДИНОВИЧ

**КАЛИЙЛИ ЎҒИТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ФЛОТАЦИЯ ЖАРАЁНИГА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁНДАШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари
ва аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Исақов Аброр Фахриддинович

Калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотация жараёнига интеллектуал
ёндашувни такомиллаштириш 3

Исаков Аброр Фахриддинович

Совершенствование интеллектуальным подходом процесса флотации
в производстве калийного удобрения..... 21

Isafov Abror Faxriddinovich

Flotation in potassium fertilizer production improving the intellectual
approach to the process..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ИСАҚОВ АБРОР ФАХРИДДИНОВИЧ

**КАЛИЙЛИ ЎҒИТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ФЛОТАЦИЯ ЖАРАЁНИГА
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁНДАШУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари
ва аппаратлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1927 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Насирова Шаира Нармурадovна
техника фанлари доктори (DSc), профессор

Расмий оппонентлар:

Қурбанов Жамшед Маджидович
техника фанлари доктори, профессор

Худойбердиева Назора Шарофовна
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/28.02.2022.Т.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023-йил « 04 » август соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz. Бухоро муҳандислик-технология институти 1-биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (438-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (99865) 223-78-84).

Диссертация автореферати 2023 йил « 21 » июл куни тарқатилди.
(2023 йил « 14 » июлдаги №24 рақамли реестр баённомаси).

С.Ф.Фозилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

Р.Р. Ҳайитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
т.ф.д., кат.ил.ход.

И.Б. Исабаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қайта ишлаш саноати соҳасидаги илмий тадқиқот ишларнинг замонавий шароитларида технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш ишлаб чиқаришида юқори самарали, ишончли ҳамда иқтисодий тежамкор технологик қурилмаларни яратишда замонавий технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва энергия истеъмолини камайтириш ҳисобига саноат унумдорлигини ошириш имконини берди. Шу билан бир қаторда, амалиётда технологик жараёнлар учун оптимал ечимни топиш ишлаб чиқаришни оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, харажатларни камайтиришга, меҳнат шароитларини энгиллаштиришга ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга асосланган техник ривожланиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда тизимли фикрлаш ва таҳлил асосидаги жараёнлар ва қурилмаларнинг технологик автоматлаштирилган компьютер тизимларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий асослар ишлаб чиқиш буйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада калийли рудалар флотацияси технологик жараёнлари таркибини самарали бошқариш, қимматбаҳо компонентлар концентрациясини назорат қилиш ва уларни чиқиндилар таркибида камайтириш, флотация тизимининг самарали ишлаш, энергетик харажатларни камайтириш, технологик муҳитларда зарарли моддаларни минимал даражагача камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда энергия истеъмолини камайтириш ва ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш ва тизимларни бошқариш учун юқори самарадор технологиялар асосида технологик қурилмалар ва ускуналар унумдорлигини ошириш буйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашга қаратилган саноат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улушини ошириш ва саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу муносабат билан технологияни такомиллаштириш, мавжуд бўлган фойдали қазилмаларни бойитиш, янги янада самарадор технологик қурилмалардан фойдаланиш, ҳамда рудаларни қазиб олишнинг экологик хавфсиз усулларини ва калийли рудалар флотациясининг бошқа технологик жараёнларини яратиш ва қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сонли «Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори кўшимча қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Технологик лойиҳаларни компьютерли алгоритмлаштириш асосидаги бойитиш фабрикаларининг флотацион қурилмаларини такомиллаштириш бўйича дунёда Михайлов А.П., Козин В.З., Дашенко А.И., Сорокер Л.В., Хмаро В.В., Некрасов Б.Д., Гапонов Г.А., Колтунова Л.Н., Барченков В.В., Юсфин Ю.С., Пашков Н.Ф. ҳамда мамлакатимизда Гулямов Ш.М., Артиков А.А., Баракаев Н.Р., Санакулов К.С., Насирова Ш.Н. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан рудаларни бойитишда флотациянинг оптимал технологик жараёнлари ишлаб чиқилган; оптимал бошқариш учун шароитлар аниқланган; қимматбаҳо компонентлар заррачаларининг газ пуфакчаларига ёпишиб қолишини яхшилаш учун реактивлар яратилган; қурилмаларнинг яхшиланган статик ва динамик характеристикаларини амалга оширилган; флотацион қурилмаларнинг моделлари ясалган; калийли рудалар флотацияси технологик жараёнининг математик моделлари ва қурилмани, ҳамда технологиянинг ўзини такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилган.

Аммо, технологик жараёнларни компьютерли алгоритмлаштириш йўли билан тоғ-кон металлургия саноатида калийли рудалар флотацияси технологик жараёнларини самарадорлигини ошириш, тизимли фикрлаш ва ёндашув асосида кўп босқичли таҳлил йўли билан калийли рудаларнинг флотацияси технологик жараёнини бойитиш учун флотацион қурилмалар технологик ва мураккаб техник тизимлари синтезининг илмий асосланган методологиясини ишлаб чиқиш, флотацион қурилма учун қимматбаҳо компонентларнинг пульпадан газ фазасига ўтишининг оптимал усулини аниқлаш, флотацион комплекс объектларининг назарий-аналитик компьютерли моделлаштириш ҳамда аналитик идентификация (бир хиллаштириш) усуллари шакллантириш, бир ва кўп босқичли флотацион қурилмаларда технологик жараёнларнинг оптимал параметрларини ҳисоблаш усуллари яратиш, флотацион комплекс технологик тизимларида маҳсулотларнинг оптимал оқимини аниқлаш, флотациянинг технологик жараёнлари ва қурилмаларини такомиллаштириш

усулларини ишлаб чиқиш бўйича етарлича тадқиқотлар олиб борилмаган ва муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №БВ-Ф4-024 рақамли «Мухандислик технологиясида оптимал тизимларни излаш ва моделлаштириш, тизимли фикрлаш ва таҳлилни ривожлантириш» (2017-2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа, ҳамда №ИЗ-20170929673 рақамли «Тюбегатен кони паст навли сильвинитларидан флотацион калий хлорид ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва жадаллаштириш» (2018-2019 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотация жараёнини интеллектуал ёндашув билан такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

технологик жараён ва қурилмалар назарияси ва амалиёти замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

калийли ўғит ишлаб чиқаришдаги флотация объекти таҳлилида тизимли фикрлаш;

калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотациянинг математик ва компьютерли моделларини яратиш;

калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотация технологик жараёнини аниқлаш ва оптималлаштиришнинг интеллектуал усулини ишлаб чиқиш;

калийли ўғит ишлаб чиқаришдаги флотация қурилмасида тажрибаларни режалаштириш ва ўтказиш;

калийли ўғит ишлаб чиқаришдаги саноат қурилмасининг муҳандислик ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида калийли ўғит ишлаб чиқаришдаги флотацион қурилмалар, технологик жараёнлар ва такомиллаштирилган технологик қурилмалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети тюбегатен конининг сильвинитлари – калийли рудаларни флотацион бойитиш қонуниятларини ўрганишдан, ҳамда уларни илмий-асосланган ҳисоби, флотацион қурилмалар ва уларнинг оптимал режимларининг янги самарадор усулларни яратиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида флотация тизимлари элементлари ва объектлари – таҳлили ва синтези, тизимли фикрлаш усуллари, аналитик идентификациялаш усуллари, калийли рудалар флотацияси мураккаб технологик жараёнларини кўп босқичли математик моделлаштириш усуллари, математик ва компьютерли моделлаштириш, флотация объектининг квазидетерминистик тасвири усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

флотация объектини калийли ўғитлар ёрдамида ишлаб чиқаришда тизимли фикрлаш асосида унинг кўп даражали иерархик тузилишини аниқлаш билан таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилган;

калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда флотациянинг математик ва компьютерли моделларини тузиш усуллари ишлаб чиқилган;

калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда флотациянинг технологик жараёнини оптималлаштириш усули ишлаб чиқилган;

калий хлорид концентрациясининг ўзгариши кириш параметрларига боғлиқлигини инобатга олиб, калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда флотация жараёнини оптималлаштириш усули ишлаб чиқилган;

калий хлорид олишнинг оптимал технологик параметрлари ўрнатилган ва флотацион қурилмани икки ва ундан кўпроқ ячейкаларга бўлиб такомиллаштириш илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

флюидли ва газ фазалар, ҳамда газ пуфакчалари даражасида тизимли фикрлаш асосида калийли ўғитлар рудаларини флотацион бойитиш ишлаб чиқилган, флотацион қурилма кўп босқичли тизими ва унинг технологик элементларининг оптимал параметрлари ишлаб чиқилган;

калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда қимматбаҳо компонентларнинг флотацион қурилма газ фазали технологик жараёнига ўтишининг оптимал шароитлари аниқланган;

замонавий флотацион тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш ва функционал тадқиқот қилиш методологияси ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида квази – аппарат флотацион қурилмаларининг бир ва кўп босқичларида технологик жараёнларни оптимал шароитларини ҳисоблаш усуллари яратилган;

флотацион қурилмада технологик жараёнлар боришининг оптимал шароитларини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

калийли ўғитлар ишлаб чиқаришдаги саноат қурилмасининг муҳандислик ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

калийли ўғит ишлаб чиқаришда тайёр маҳсулот чиқишини кўпайтириш имконини берувчи флотация қурилмаси такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик статистика усуллари, математик моделларнинг структуравий параметрик идентификацияси натижалари, моделлаштириш натижаларини таққослаш усуллари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти технологик жараёнларни математик ва компьютерли моделлаштиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, ҳамда Тюбегатен конининг сільвинитлари – майдаланган рудалар флотациясининг мураккаб технологик жараёнларини оптимал параметрларини топиш усуллари ишлаб чиқиш учун тизимларни яратиш асосида калийли ўғит ишлаб чиқариш жараёни ва қурилмаларини оптималлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти квази суюқлик (ярим суюқлик) тизим техник қарашлар, газ фазавий ва газ пүфакчалари, кўп босқичли математик ва компьютерли моделларни шакллантириш, флотацион қурилма ишлаши учун оптимал шароитни аниқлаш асосида флотацион бойитиш технологик жараёнларини ва қурилмаларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларини жорий этиш. Флотацион қурилмаларда ва компьютерли алгоритмларда флотацион бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тюбегатен конининг сильвинитли рудаларини флотацион бойитиш жараёнларини бориши учун ишлаб чиқилган оптимал шароитлар “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг “2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати” га киритилган (“Дехқонобод калий завод” АЖнинг 2022 йил 08 июндаги 02-021/1520 - сонли маълумотномаси). Натижада, кўпикланиш қатлами тебраниш частотаси ва калий хлориднинг чиқаётган пульпадаги ва кўпик қатламидаги концентрациясининг четга чиқиш максимал амплитудаси камайтирилди, ҳамда кўпикли маҳсулотда калий хлорид конценцияси орттирилди, бу эса галитли чиқиндида калий хлорид миқдорининг 0,4% га камайтириш имконини беради;

флотацион бойитишнинг мукамаллаштирилган технологияси ва флотация жараёнларини математик моделлаштириш усулларини қўллаш орқали Тюбегатен конининг сильвинитларидан калий хлорид олиш технологияси “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг “2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати” га киритилган (“Дехқонобод калий завод” АЖнинг 2022 йил 08 июндаги 02-021/1520 сонли маълумотномаси). Натижада, сильвинитлардан олинган калий хлориднинг тайёр маҳсулотда чиқиндини 3-5% га оширган ҳолда Тюбегатен кони сильвинитларидан калий хлорид флотацияси жараёнини автоматик бошқаришнинг мукамал тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари доклад кўринишида ифодаланган бўлиб, 4 та халқаро ва 1 та республика илмий-техник конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган. Шундан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларида 7 та илмий мақола, жумладан 5 таси хорижий, 2 таси республика журналларида ҳамда 7 та дастурий маҳсулот учун гувоҳномалар (DGU) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, объекти ва вазифалари шакллантирилган, ҳамда тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **биринчи бобида “Технологик жараён ва қурилмалар назарияси ва амалиёти ҳозирги ҳолатининг таҳлили, калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотацияни моделлаштириш ва оптималлаштириш”** таҳлил қилинган. Илмий адабиётлардаги мавжуд бўлган жараён ва қурилмалар, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш жараёнида флотация технологик жараёнининг моҳияти, калийли ўғит ишлаб чиқаришда сільвинитли рудалар флотацияси технологик схемалари ва флотацион қурилмалари, калийли рудалар флотацияси технологик жараёнини моделлаштириш ва оптималлаштиришнинг ҳозирги ҳолати, калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотация технологик жараёни қурилмасини компьютерли моделлаштиришни мукамаллаштириш муаммоларининг қўйилганлигининг аналитик шарҳлари келтирилган.


Калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотация технологик қурилмалари оқимларининг тузилишини ва технологик режимларини, техник ҳолатини, ҳамда оқимларнинг ва технологик қурилмаларнинг физик ҳолатини бошқариш ва назорат қилиш вазифаларининг, режимларининг истиқболи ва зарурати кўрсатилган. Мавжуд бўлган маълумотлар таҳлили асосида ишнинг асосий мақсади ва вазифалари аниқлаб олинган.

Диссертациянинг **иккинчи боби “Флотация объектининг тизимли таҳлили, калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотация технологик жараёнини компьютерли моделлаштиришни оптималлаштириш”** объектнинг, яъни флотацион қурилманинг тизимли таҳлилига бағишланган. Бу ерда иккита субстанциядан иборат бўлган объект кўриб чиқилган. Биринчиси объектнинг физик томони – бу тизим, бошқа таҳлил қилинаётган томони эса – бу тизимда борадиган жараён. Тизимли таҳлилнинг кўп босқичли усулидан муваффақиятли равишда фойдаланилган. Тадқиқотнинг бош тизими сифатида калийли руда флотацияси учун ишлатиладиган қурилмани кўриб чиқилган. Асосий базавий тизим сифатида барботажли (кўпикли) куб аниқланди – бу ишчи зона бўлиб, у элементлари олти иерархик босқичларга киритилган мос равишдаги элементларга бўлинган туб тизимлардан иборатдир. Кўп босқичли тизимли таҳлил муаллифга компьютерли моделларни, барботажли (кўпикли) зонада флотациянинг оптимал шароитини аниқлашни, тадқиқот қилинаётган объект бошқарув тизимини ишлаб чиқиш имконини берди.

Математик моделлаштириш масалалари идентификация-аналитик усул билан ҳал қилинган. Калийли руда – сільвинитлар флотацияси қурилмаси

бир қатор элементлардан ташкил топган тизим сифатида ўрганилган; флотацион қурилма элементларида борадиган жараёнлар ва ҳодисалар кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Тизимли фикрлаш асосида калийли руда флотацияси линияси таҳлили тизимли ёндашув асосида амалга оширилган (1-расм). Калийли руда флотацияси қурилмасини бир қатор элементлардан ташкил топган объект сифатида ўрганилган. Флотацион қурилма элементларида борадиган жараёнлар ва ҳодисаларни таҳлил қилинган.



1-расм. Калийли ўғитни бойитиш учун флотацион қурилманинг иерархик тизими


Сильвинит рудаларини бойитишда калий хлорид селектив флотацияси кўп квази қатламли қурилмаси объектининг кўп босқичли таҳлилида тизимли фикрлаш усули кўрсатилган. Объектларнинг аналитик-тажрибавий математик ва компьютерли моделларини тузишнинг кўп босқичли усули таклиф этилган.

Калийли ўғитлар флотацион жараёнини учинчи квази объектларини, сўнг иккинчи иерархик босқичларининг компьютерли моделларини кетма-

кет бирлаштириш асосида математик ва компьютерли моделларини тузиш усули ишлаб чиқилган. Флотация қурилмасидаги калийли компонентлар концентрациясининг вақт бўйича ўзгариши кўрсатилган. У суюқ фазада ҳам, газ фазасида ҳам гиперболик характерга эга.

Калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотация технологик жараёнини оптималлаштиришнинг интеллектуал усули ва математик, компьютерли моделини тузиш усули ишлаб чиқилган. Квази қурилмалар жараёнларининг модели асосида калий хлорид флотацион қурилмасининг барботажли (кўпикли) кубини компьютерли модели олинган. Қуйидаги параметрлар – калий хлориднинг газ фазасидаги мувозанат концентрацияси, калий хлориднинг суюқ фазадаги концентрацияси, суюқ фазадаги концентрациянинг бошланғич қийматлари кўриб чиқилган.

Калий хлорид селектив флотацияси бир квази қурилмаси жараёнининг математик моделини MATLAB компьютерли дастурида акс эттирилиши чиқиш параметрларининг, хусусан, калийли тузларнинг суюқ ва газ фазаларидаги концентрацияларининг ўзгаришини кўриш имконини беради, буларнинг компьютерли модели 2-расмда келтирилган.




2-расм. Сильвинитли рудаларни бойитишда калийли тузлар селектив флотацияси жараёнининг бир квази қатламли компьютерли модели


Битта флотацион қурилманинг сарфи 350-650 м³/соат дан келиб чиққан холда, сильвинитли рудаларни бойитишда калийли тузларнинг селектив флотацияси бир квази қатламли қурилмаси жараёнининг бошланғич маълумотларини киритиш орқали MATLAB амалий дастурида компьютерли модел тузилган (3-расм).

Бу ерда барботажли (кўпикли) қатламда ҳавонинг сарфига таъсир этиш орқали жараённи бошқаришни амалга ошириш режалаштирилган. Аналогик ҳолда MATLAB компьютерли дастурида акс эттирилиши орқали калийли тузлар селектив флотацияси олти корпусли қурилмасининг ўнта

ва ўн иккита квази қурилмали жараёнининг математик моделида тажрибалар ўтказилган ва тузилган (4-расм), ва параметрлар бошланғич шартларининг компьютерли кўриниши берилган.



3-расм. Флотация жараёнида олти корпусли қурилмага киритиладиган дастлабки маълумотлар




4-расм. Олти корпусли флотацион қурилмали жараёнларнинг компьютерли моделлари

Барботажли (кўпикли) кубнинг ишлаши учун жараённинг компьютерли модели ёрдамида олинган ўтиш жараёнлари 5-расмда келтирилган.

Биринчи расмда калий хлорид концентрациясининг суюқ фазадаги ҳар бир қурилмадан кейинги ўзгаришини, иккинчи расмда калий хлорид концентрациясининг газ фазасидаги ҳар бир қурилмадан кейинги ўзгаришини, учинчи расмда эса калий хлорид концентрациясининг суюқ ва газ фазаларидаги олтинчи қурилмадан кейинги ўзгаришини кўрсатилган.

Олиб борилган тажрибалар флотацион қурилмаларда борадиган жараён барқарор бўлишини кўрсатди. Чиқиш параметрлари, хусусан, суюқ фазадаги

калийли тузлар концентрацияси бошланғич қийматдан камаяди, газ фазасида эса мувозанат концентрациясигача ортади.



5-расм. Калий хлорид концентрациясининг ҳар бир қурилмадан кейинги суюқ ва газ фазаларидаги, ҳамда олтинчи қурилмадан кейинги суюқ ва газ фазаларидаги ўзгариши

Калийли тузлар концентрациясининг пульпада 31,0% дан 2.6% гача камайиши ва унинг газ фазаси ва кўпикли қатламда 0% дан мувозанат концентрациясигача ортиши кўрсатилган. Импеллерлар айланишлар сонининг ортиши ҳам барботаж (кўпикли) қатламда ҳаво сарфининг ортишига олиб келади. Бу электродвигател ($N = 10 - 30$ кВт) га узатилувчи электроэнергия орқали акс этади.

Диссертациянинг учинчи боби “Тажрибавий қисм. Калийли ўғит ишлаб чиқаришда флотация жараёнининг тадқиқоти бўйича тажрибалар” да флотациянинг тажрибавий қурилмаси ва сильвинитдан калий хлорид ишлаб чиқариш технологик схемасининг тавсифи, характеристиканинг тадқиқоти ва тажрибалар ўтказиш усуллари келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилояти, Дехқонобод туманида жойлашган Тюбегатен конининг сильвинитларидан фойдаланилган. Дастлабки сильвинит рудасини қазиб олиш қуввати йилига 2100 тоннани, “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг калийли ўғитлар йиллик қуввати эса – йилига 600 минг тоннани ташкил этади. Маҳсулотнинг сифати жорий ГОСТ 4568-95 “Калий хлорид. Техник шарт” га мос келади. КСнинг майда, 1-навли маркази ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон ҳудудидаги Тюбегатен

конининг калийли тузлар захираси: (A+B+C₁) категорияси – KCl - 35,95% миқдори билан 215278 минг тонна, C₂ категорияси – KCl - 35,39% миқдори билан 60923 минг тонна. Дастлабки рудаларни қайта ишлов берувчи “Дехқонобод калий заводи” АЖга автотранспорт билан олиб борилади.

Тадқиқот ишларида таркиби (масс. %): KCl – 23,20-30,40; NaCl – 63,92-69,27; CaSO₄ – 1,10-1,74; MgCl₂ – 0,95-1,09; эримайдиган қолдиқ (э.қ.) - 3,25-4,95 бўлган Тюбегатен конининг сильвинитларидан фойдаланилган. Бойитиш технологияси ва Тюбегатен конининг паст навли сильвинитларини флотацион KClга қайта ишлов бериш бўйича тадқиқотларни олиб бориш учун турли таркибдаги KCl ва э.қ. ли сильвинит намуналаридан 100 кг дан ажратиб олинган, уларнинг кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тюбегатен кони сильвинитларининг кимёвий таркиби

Намуна	KCl, %	NaCl, %	CaSO ₄ , %	MgCl ₂ , %	э.қ., %	W, %
1	30,4	63,92	1,32	0,55	3,25	0,56
2	25,0	67,56	1,74	1,09	4,00	0,61
3	23,2	69,27	1,10	0,90	4,95	0,58

2-жадвалда эримайдиган қолдиқ ва KCl нинг лойихада келтирилган йириклик фракциялари бўйича тақсимланиши келтирилган.

2-жадвал

Фракция миқдори - 0.15 мм ~ 47% бўлганда, Тюбегатен майдаланган рудаларининг йириклик фракциялари бўйича эримайдиган қолдиқ ва KCl нинг тақсимланиши

Йириклик фракциялари, мм	Чиқиши %	қ.ф. даги миқдори, %		Фракцияда э.қ.нинг таркиби -0,15 Фракцияда э.қ.нинг таркиби +0,15 мм	Қазиб олиш, %	
		KCl	э.қ.		KCl	э.қ.
+ 0,300	52,37	30,13	1,24	4,22	49,75	17,87
- 0,300 ÷ +0,150	14,90	36,05	3,63		16,94	14,88
- 0,150 ÷ +0	32,73	32,28	7,47		33,31	67,25
- 0,150 ÷ +0,074	18,76	35,85	3,73		21,21	19,25
Итого	100,00	31,71	3,63		100,00	100,00


Ишлаб чиқаришда Тюбегатен конининг сильвинитлари асосида KCl олиш технологияси асосан қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Тюбегатен конининг сильвинитларини майдалаш;
2. Майдаланган сильвинитли рудаларни шламлардан тозалаш;
3. Калий хлоридни ажратиб олиш учун реактивларни аралаштириш;
4. Калий хлорид флотацияси;
5. Тайёр маҳсулотни қадоқлаш ва сақлаш.

6-расмда Тюбегатен конининг сильвинитларидан KClни флотацион усул билан ишлаб чиқаришнинг принципиал блок-схемаси келтирилган.

Ҳозирги вақтда “Дехқонобод калий заводи” АЖда Тيوبегатен конининг сільвинитлари асосида флотацион КСІ олишнинг мавжуд технологиялари модернизациялашни, такомиллаштиришни ва маҳсулот чиқишини орттириш мақсадида моделлаштиришни, пастроқ навли сільвинитларни қўшишни, энергетик харажатларни камайтиришни ва ҳ.к. ларни талаб этади.

Булардан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, флотацион қурилмаларни моделлаштиришни тадқиқот қилиш энг долзарб масала ҳисобланиб, бу жараён сільвинитлардан калий хлоридни флотацион усул билан олишда асосий ва лимитловчи босқич бўлиб хизмат қилади.



6-расм. Флотацион усулда калий хлорид ишлаб чиқаришнинг принципиал блок-схемаси

Дастлаб, КСІ кучсиз эритмасининг жараёни атмосфера босими остида тадқиқот қилинган, натижалар эса 3-жадвалда келтирилган.

Тажрибалар ҳавонинг қуйидаги, “Дехқонобод калий заводи” АЖнинг шароитларига яқин бўлган физик параметрларида олиб борилди:

Ҳавонинг сарфи: ҳавонинг ўтказувчанлик хусусияти $12,6/2 \text{ м}^3/\text{мин} = 0,1 \text{ м}^3/\text{с}$ гача;

Калий хлориднинг чиқишдаги концентрацияси ($5.9 \gg 3.5$) 2,0-3.5 %

G, т/с – сільвинит суспензияси сарфи $12,6 \text{ м}^3/\text{мин} = 0,21 \text{ м}^3/\text{с} = 0.21 \text{ т/с}$;

G_г, м³/с – газнинг - ҳавонинг бошланғич сарфи $12,6/2 \text{ м}^3/\text{мин} = 0,1 \text{ м}^3/\text{с}$ гача;

C_n, % - КСІ эритмасининг бошланғич концентрацияси 28-31%;

Ҳавонинг бошланғич температураси 25-30⁰С;

Қурилмадаги қолдиқ босим 99-100 кПа

Дехқонободдаги ўртача босим -730 мм сим.ус.

Тажрибалардан олинган маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Флотацион калий хлорид олиш билан сильвинит суспензиясининг флотацияси бўйича тажрибавий кўрсаткичлар

№	G т/с	Gг м ³ /с	C _n %	K	C ₁ %	C ₂ %	C ₃ %	C ₄ %	C ₅ %	C ₆ %	C _p /C _э
1	0,21	0,082	31	0,05	23,9	18,3	13,5	9,6	6,5	4	C _p %
	0,21	0,083	31	0,05	23,8	18,5	13,7	9,6	6,6	4,1	C _э %
2	0,21	0,092	31	0,05	23,4	17,1	12,1	8,1	5,1	2,7	C _p %
	0,21	0,094	31	0,05	23,6	17,1	12,3	8,4	5,0	2,8	C _э %
3	0,21	0,092	29	0,05	21,84	16,01	11,33	7,62	4,73	2,53	C _p %
	0,21	0,092	29	0,05	21,8	16,03	11,2	7,5	4,8	2,5	C _э %
4	0,21	0,092	29	0,045	22,14	16,47	11,83	8,09	5,11	2,78	C _p %
	0,21	0,092	29	0,045	22,1	16,5	11,9	8,0	5,2	2,9	C _э %
5	0,21	0,092	29	0,04	22,5	17,03	12,47	8,72	5,66	3,21	C _p %
	0,21	0,092	29	0,04	22,6	17,1	12,4	8,6	5,6	3,3	C _э %
6	0,22	0,092	29	0,045	22,4	16,9	12,35	8,64	5,65	3,28	C _p %
	0,22	0,092	29	0,045	22,4	16,8	12,3	8,6	5,5	3,2	C _э %
7	0,22	0,1	29	0,045	21,93	16,13	11,42	7,65	4,68	2,4	C _p %
	0,22	0,1	29	0,045	21,9	16,2	11,3	7,6	4,7	2,4	C _э %
8	0,26	0,1	29	0,045	21,79	15,97	11,32	7,67	4,85	2,73	C _p %
	0,26	0,1	29	0,045	21,7	15,9	11,4	7,6	4,9	2,7	C _э %
9	0,26	0,1	29	0,045	22,85	17,65	13,28	9,64	6,66	4,23	C _p %
	0,26	0,1	29	0,045	22,8	17,74	13,2	9,52	6,71	4,21	C _э %
10	0,26	0,11	29	0,055	22,33	16,83	12,35	8,75	5,88	3,65	C _p %
	0,26	0,11	29	0,055	22,3	16,9	12,3	8,7	5,9	3,7	C _э %
11	0,26	0,12	29	0,055	21,27	15,15	10,37	6,71	3,97	1,98	C _p %
	0,26	0,12	29	0,055	21,7	15,3	10,3	6,7	3,9	2,1	C _э %

4-жадвалдан кўришиб турибдики:

$$\sum \Delta C^2 = 0,18333+0,31667+0,068333+0,073333+0,085+0,07+0,048333$$

$$+0,065 +0,068333+0,045+0,071667=1,679999$$

Биринчи тажриба бўйича хулосалар:

Тажрибалар таҳлили кўрсаткичларнинг ҳақиқий қийматлардан четга чиқиш хатолиги 2,2 % ни ташкил этишини кўрсатмоқда, яъни:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum \Delta C^2}{n}} * 100 = \sqrt{\frac{1,679999}{3300}} * 100 = 0,022 * 100\% = 2,2\%$$

бу ерда: n-ўлчамлар (тажрибалар) сони.

Тажрибалар натижалари ва уларнинг мавжуд бўлган флотацион қурилмада берилган сарфдаги калий хлориднинг кенг қамровли таҳлили шуни кўрсатдики, ҳақиқий кўрсаткичлардан четга чиқиш ўртача статистик хатолиги қуйидагини ташкил этади:

$$\sqrt{\frac{\sum \Delta C^2}{n}} = 2,2 \%$$

Бунда корпуснинг биринчи ва кейинги чанлари учун тажрибавий эгри чизиқлар олинди (5-расм).

$$\text{Summa} = 0,022 \quad \sigma = 0,0265$$

Тажрибалар натижалари ва уларнинг тавсия этилган режимдаги флотацион қурилмада берилган сарфдаги калий хлоридли суспензиянинг кенг қамровли таҳлили шуни кўрсатдики, ҳақиқий кўрсаткичлардан четга чиқиш ўртача статистик хатолиги қуйидагини ташкил этади:

$$\sqrt{\frac{\sum \Delta C^2}{n}} = 2,65 \%$$

4-жадвал

Тажрибавий кўрсаткичларнинг ҳисоби

№	G т/с	G _г м ³ /с	C _n %	K	C ₁ %	C ₂ %	C ₃ %	C ₄ %	C ₅ %	C ₆ %	C _p /C ₃
1	0,21	0,082	31	0,05	23,9	18,1	13,3	9,6	6,5	4	C _p %
	0,21	0,083	31	0,05	23,8	18,5	13,7	9,6	6,6	4,1	C ₃ %
					0,1	0,4	0,4	0	0,1	0,1	0,18333
2	0,21	0,092	31	0,05	23,2	17,3	12,1	8,1	5,2	2,9	C _p %
	0,21	0,094	31	0,05	23,6	17,1	12,5	8,6	5,0	2,7	C ₃ %
					0,4	0,2	0,4	0,5	0,2	0,2	0,31667
3	0,21	0,092	29	0,05	21,84	16,01	11,33	7,62	4,73	2,53	C _p %
	0,21	0,092	29	0,05	21,8	16,03	11,2	7,5	4,8	2,5	C ₃ %
					0,04	0,02	0,13	0,12	0,07	0,03	0,068333
4	0,21	0,092	29	0,045	22,14	16,47	11,83	8,09	5,11	2,78	C _p %
	0,21	0,092	29	0,045	22,1	16,5	11,9	8,0	5,2	2,9	C ₃ %
					0,04	0,03	0,07	0,09	0,09	0,12	0,073333
5	0,21	0,092	29	0,04	22,5	17,03	12,47	8,72	5,66	3,21	C _p %
	0,21	0,092	29	0,04	22,6	17,1	12,4	8,6	5,6	3,3	C ₃ %
					0,1	0,07	0,07	0,12	0,06	0,09	0,085
6	0,22	0,092	29	0,045	22,4	16,9	12,35	8,64	5,65	3,28	C _p %
	0,22	0,092	29	0,045	22,4	16,8	12,3	8,6	5,5	3,2	C ₃ %
					0	0,1	0,05	0,04	0,15	0,08	0,07
7	0,22	0,1	29	0,045	21,93	16,13	11,42	7,65	4,68	2,4	C _p %
	0,22	0,1	29	0,045	21,9	16,2	11,3	7,6	4,7	2,4	C ₃ %
					0,03	0,07	0,12	0,05	0,02	0	0,048333
8	0,26	0,1	29	0,045	21,79	15,97	11,32	7,67	4,85	2,73	C _p %
	0,26	0,1	29	0,045	21,7	15,9	11,4	7,6	4,9	2,7	C ₃ %
					0,09	0,07	0,08	0,07	0,05	0,03	0,065
9	0,26	0,1	29	0,045	22,85	17,65	13,28	9,64	6,66	4,23	C _p %
	0,26	0,1	29	0,045	22,8	17,74	13,2	9,52	6,71	4,21	C ₃ %
					0,05	0,09	0,08	0,12	0,05	0,02	0,068333
10	0,26	0,11	29	0,055	22,33	16,83	12,35	8,75	5,88	3,65	C _p %
	0,26	0,11	29	0,055	22,3	16,9	12,3	8,7	5,9	3,7	C ₃ %
					0,03	0,07	0,05	0,05	0,02	0,05	0,045
11	0,26	0,12	29	0,055	21,27	15,15	10,37	6,71	3,97	1,98	C _p %
	0,26	0,12	29	0,055	21,26	15,3	10,3	6,7	3,9	2,1	C ₃ %
					0,01	0,15	0,07	0,01	0,07	0,12	0,071667

Тажрибани режалаштириш ва калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда KCl концентрацияси ўзгаришининг флотация қурилмаси ва кириш параметрларидан тажрибавий боғлиқлигини олиш амалга оширилган. Мавжуд бўлган режим ва тавсия этилган шароитлар учун тажрибавий қурилмада калийли компонентларнинг флотация тажрибалари ўтказилган. Тажриба натижаларининг калийли рудани тажрибавий қурилмада бойитишни компьютерли моделлаштиришнинг мослигини аниқлаш билан солиштирилиши 95% дан ортиқ мосликни кўрсатган.

Калийли рудани бойитиш учун флотацион қурилма параметрларининг ўзгариши

№	G т/с	G _г м ³ /с	C _n %	C _p	C _э	C _p -C _э	(C _p -C _э) ²
1	0,21	0,11	31	1,65	1,7	-0,05	0,0025
2	0,21	0,1	31	2,09	2	0,09	0,0081
3	0,21	0,1	29	1,93	1,99	-0,06	0,0036
4	0,21	0,11	29	1,56	1,51	0,05	0,0025
5	0,21	0,092	29	2,31	2,3	0,01	0,0001
6	0,22	0,1	29	2,14	2,1	0,04	0,0016
7	0,26	0,1	29	3,02	3,01	0,01	0,0001
8	0,24	0,1	29	2,57	2,6	-0,03	0,0009
9	0,26	0,11	29	2,53	2,5	0,03	0,0009
10	0,26	0,12	29	2,15	2,1	0,05	0,0025
11	0,26	0,14	29	1,55	1,5	0,05	0,0025
12	0,24	0,12	29	1,76	1,7	0,06	0,0036

Диссертациянинг тўртинчи боби “Калийли ўғит ишлаб чиқаришда компонентларнинг флотацияси бўйича амалий тавсиялар”да калийли ўғитларни ишлаб чиқишда флотация жараёни ва қурилмалари муҳандислик ҳисобининг тадқиқоти натижалари келтирилган.

Кўп босқичли тизимли таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда, ушбу илмий-тадқиқот ишини бажариш натижасида бир квази қурилмада, ҳамда объектни олти қурилмали кўринишида жараёнларни кўриб чиқишни ҳисобга олган ҳолда калийли ўғитлар ишлаб чиқаришда флотация жараёни динамикасининг математик ва компьютерли моделлари олинган. Аналитик моделлаштириш усуллари қўллаш, объектнинг ишончли моделларини шакллантириш имконини берган. Бу эса ўз навбатида Тюбегатен конининг сильвинитларидан КСІ флотацияси жараёнини олиб боришнинг такомиллашган шароитларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Оптимал параметрларни жорий этиш системадаги қайта бошқариш миқдорини камайишига, чиқаётган суспензиядаги ва кўпикли қатламдаги КСІ – компонентлар концентрациясининг четга чиқиш максимал амплитудасини камайишига, флотацион қурилманинг чиқиш параметрларини тебранишлар частотасини камайишига ёрдам беради. Бажарилган ишлар асосида флотацион қолдиқда, яъни галитли чиқиндида хом ашё ва КСІнинг йўқотилиши камаяди.

Технологик регламентда тавсия этилган режимда флотацион қурилмасида КСІ эритмасининг берилган сарфдаги тажрибалар натижалари шуни кўрсатдики, унинг ўртача статистик концентрацияси 2,9% ни ташкил этади. Янги режимда эса КСІнинг ўртача статистик концентрацияси 2,1-2,5% ни ташкил этади. Кўриниб турибдики, янги режим минимум 0,4% КСІни тежашга ёрдам беради ва бу 0,0504 т/соат=1,2 т/сутка=399,5 т/йил ни ташкил этади.

Флотация жараёнида кириш ва чиқиш параметрларини оптималлаштириш ва моделлаштириш натижасида КСІ нинг тайёр

маҳсулотга чиқиши ортади ва КСІнинг галитли чиқиндидаги миқдори камида 0,4% га камаяди. Бунда, фақатгина 1-навбатдаги флотацион КСІ ишлаб чиқаришдан ҳар йилги тежам нархи 1316700 минг сўм бўлган 399,5 тонна КСІни ташкил этади. Флотация давомида тадқиқот натижаларидан фойдаланиш иқтисодий самарадорликни кўрсатди.

Шундай қилиб, КСІ ишлаб чиқариш 1-навбатидаги флотацион қурилмаларини моделлаштириш бўйича олиб борилган синовлар флотацион қурилма кириш ва чиқиш параметрларини оптималлаштириш йўли билан Тюбегатен конининг сильвинитли рудалари флотацияси жараёнини самарадорлигини ошириш имконини кўрсатди, бир вақтда КСІнинг галитли чиқиндига чиқишини камайиши, тайёр маҳсулотга чиқишининг ортиши ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ортишини кўрсатди.

ХУЛОСА

1. Тизимли фикрлаш усули асосида сильвинитли рудаларни бойитишда калийли тузларни селектив флотацияси технологик қурилмасини кўп босқичли таҳлили амалга оширилган.

2. Сильвинитли рудаларидан КСІ флотацияси жараёнининг аналитик-тажрибавий математик ва компьютерли моделларини кўп босқичли тузиш усули ишлаб чиқилган.

3. Флотация қурилмасида калийли компонентлар концентрациясининг вақт бўйича ўзгариши кўрсатилган. У суюқ фазада ҳам, газ фазасида ҳам гиперболик характерга эга.

4. Параметрлар ўзгаришининг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлиги аниқланган. Объектнинг компьютерли модели келтирилган, пульпада калийли тузларнинг концентрацияси 29-31% дан 2,4 – 2,8% гача камайиши ва унинг газ фазаси, ҳамда кўпикли қатламда 0% дан мувозанат концентрациясигача ортиши кўрсатилган.

5. Методика тавсия этилган ва сильвинитли рудалар флотация жараёнини компьютерли модели ёрдамида калий хлорид компонентларининг флотацияси технологик қурилмасида тасодифий қидирувга йўналтирилган усулни қўллашдаги оптимал кўрсаткичлар ҳисоби қилинган.

6. Технологик регламентдаги режимда флотацион қурилмасида калий хлорид эритмасининг берилган сарфдаги тажрибалар натижалари шуни кўрсатдики, унинг ўртача статистик концентрацияси галитли чиқиндида 2,9% ни ташкил этди. Янги режимда галитли чиқиндидаги КСІнинг ўртача статистик концентрацияси 2,1%ни, яъни 0,8% кам бўлиши аниқланди.

7. Илмий тадқиқот натижалари жорий этилишининг иқтисодий самарадорлиги кўрсатилган. Кўриниб турибдики, янги режим қурилмадан чиқаётган суспензиядаги калий хлориднинг улушини 0,4% га ортиши имконини берди ва бу йилига 399,5 тонна калий хлорид ёки 1,36 млрд. сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 03/28.02.2022.Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТИ**

ИСАКОВ АБРОР ФАХРИДДИНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫМ ПОДХОДОМ
ПРОЦЕССА ФЛОТАЦИИ В ПРОИЗВОДСТВЕ КАЛИЙНОГО
УДОБРЕНИЯ**

**02.00.16 – Процессы и аппараты химической технологии
и пищевых производств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2020.4.PhD/T1927

Диссертационная работа выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)), размещен на веб-странице института научного совета по адресу (www.bmti.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyounet» www.ziyounet.uz.

Научный руководитель:	Насирова Шаира Нармурадовна доктор технических наук (DSc), профессор
Официальные оппоненты:	Қурбанов Жамшед Маджидович доктор технических наук, профессор Худойбердиева Назора Шарофовна доктор философии в технических наук (PhD), доцент
Ведущая организация:	Наманганский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится « 04 » август 2023 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/28.02.2022.T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: 200117, г Бухара, ул. К. Муртазоева, дом - 15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, e-mail: bmti_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрировано под №438). (Адрес: 200117, г Бухара, ул. К. Муртазоева, дом 15. Тел.: (99865) 223-78-84.

Автореферат диссертации разослан « 21 » июль 2023 года
(реестр протокола рассылки №24 от « 14 » июль 2023 года

С.Ф.Фозилов

Заместитель председателя научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Р.Р. Хайитов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., ст.науч.сот.

И.Б. Исабаев

Председатель научного семинара при научном
совете по присвоению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом производстве научно-исследовательские работы в области обрабатывающей промышленности, моделирования и оптимизации технологических процессов в условиях современного научно-технического прогресса позволили отрасли повысить производительность за счет снижения энергопотребления и повышения качества продукции благодаря широкому использованию современных технологий при создании высокопроизводительного, надежного и экономически эффективного технологического оборудования. В то же время поиск оптимальных решений для технологических процессов на практике является одним из основных направлений технического развития, ориентированного на повышение производительности, улучшение качества продукции, снижение затрат, облегчение условий труда и защиту окружающей среды.

В мире ведутся научные исследования по разработке научных основ, направленных на совершенствование технологических автоматизированных компьютерных систем процессов и устройств, основанных на системном мышлении и анализе. В связи с этим особое внимание уделяется эффективному управлению составом технологических процессов флотации калийных руд, контролю концентрации ценных компонентов и снижению их в отходах, эффективной работе флотационной системы, снижению энергозатрат, а также снижению содержания вредных веществ в технологических средах до минимального уровня.

В республике была проделана определенная работа по сокращению потребления энергии и обеспечению высокой эффективности производства и повышения производительности технологического оборудования и устройств на основе высокоэффективных технологий для производства и управления системами. В третьем направлении стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы отмечены важные задачи, направленные на «...продолжение реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и роста объема производства промышленной продукции в 1,4 раза»¹. В данном аспекте приобретает особое значение, в частности, совершенствование технологии, обогащение существующих полезных ископаемых, использование нового, более эффективного технологического оборудования, а также создание и применение экологически безопасных методов извлечения руд и других технологических процессов флотации калийных руд.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года ПФ-60 "О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы"

Узбекистана на 2022-2026 годы» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», № ПП-4937 от 28 декабря 2020 года «О мерах по реализации инвестиционной программы Республики Узбекистан на 2021-2023 годы», № ПП-4992 от 13 февраля 2021 года «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой добавленной стоимостью», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Исследования в области усовершенствования флотационных аппаратов обогатительных фабрик на основе компьютерной алгоритмизации технологических проектов проводили ряд ученых и специалистов. Исследования в области усовершенствования флотационных аппаратов обогатительных фабрик на основе компьютерной алгоритмизации технологических проектов проводили Михайлов А.П., Козин В.З., Дащенко А.И., Сорокер Л.В., Хмаро В.В., Некрасов Б.Д., Гапонов Г.А., Колтунова Л.Н., Барченков В.В., Юсфин Ю.С., Пашков Н.Ф., Гулямов Ш.М., Артиков А.А., Баракаев Н.Р., Санакулов К.С., Насирова Ш.Н. и другие. Ими разработаны оптимальные технологические процессы флотации в рудных концентраторах; выявлены условия для оптимального управления; созданы реагенты для улучшения прилипания частиц ценных компонентов к пузырькам газа; реализованы улучшенные статические и динамические характеристики аппаратов; построены модели флотационных устройств; математические модели технологических процессов флотации калийных руд и методы совершенствования оборудования и самой технологии.

